

СТАРТАПЛАР ФАОЛИЯТИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ШАРТНОМАЛАР ТАВСИФИ

Тожибоев Акбар Зафар ўғли

Тошкент давлат юридик университети

Оммавий ҳуқуқ факултети декани ўринбосари,

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б.

АННОТАЦИЯ

Ҳар қандай шароитда ҳам стартаплар фаолиятида шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар муҳим саналади. Стартаплар билан зоя, вужудга келишдан то чиқиши каби ҳар бир босқичгача соҳага оид турли шартномалар тузилади. Мақолада стартапларнинг ўсиши ва кенгайиши босқичларида стартап акселератор, бизнес инкубатор, бизнес ангеллар, тижорат банклари ва краудфандинг инвесторлари иштирокидаги шартномалар ҳақида умумий тавсиф бериб ўтилган. Шунингдек, мақолада стартаплар фаолиятида тез-тез қўлланиладиган краудфандинг (оммавий молиялаш) ва опцион шартномалар ҳақидаги умумий тушунчалар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: *стартап босқичлари, ўсиши босқичи ва кенгайиши босқичи, краудфандинг, оммавий молиялаш, опцион, облигация, стартап акселератор, бизнес инкубатор, бизнес ангел.*

ОПИСАНИЕ КОНТРАКТОВ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СТАРТАПОВ

Тожибоев Акбар Зафар ўғли,

доктор философии по юридическим наукам (PhD),

и.о. доцента, заместитель декана факультета публичного права

Ташкентского государственного юридического университета

АННОТАЦИЯ

При любых обстоятельствах договорные отношения важны в деятельности стартапов. Стартапы заключают различные соглашения в этой области на каждом этапе, от идеи до создания. В статье представлен обзор контрактов с участием акселераторов стартапов, бизнес-инкубаторов, бизнес-ангелов, коммерческих банков и краудфандинговых инвесторов на этапах роста и расширения стартапов. В статье также представлен обзор краудфандинга и опционных контрактов, которые часто используются в стартапах.

Ключевые слова: *этапы стартапа, этап роста, этап расширения, краудфандинг, массовое финансирование, опцион, облигация, стартап акселератор, бизнес-инкубатор, бизнес-ангел.*

DESCRIPTION OF CONTRACTS IN STARTUPS' ACTIVITY

Tojiboev Akbar Zafar ugli

Deputy of dean of the faculty of public law
Tashkent State Law University

ABSTRACT

Under any circumstances contractual relationships are important in the activities of startups. Startups conclude various agreements in this area at every stage, from idea to creation. The article provides an overview of contracts involving startup accelerators, business incubators, business angels, commercial banks and crowdfunding investors at the stages of growth and expansion. The article also provides an overview of crowdfunding and option contracts, which are often used in startups.

Keywords: *startup stages, growth stage, expansion stage, crowdfunding, mass financing, option, bond, startup accelerator, business incubator, business angel.*

КИРИШ

Ҳар қандай фуқаролик муносабатлари каби стартап ҳам шартномавий муносабатларисиз мавжуд бўла олмайди. Шу сабабли, фуқаролик муомаласининг мазкур тури таркибида асосий юридик фактлар бўлиб, мажбуриятларга доир ҳуқуқий муносабатларни юзага келишига сабаб бўладиган юридик фактлар ҳисобланади. Бу каби юридик фактлар стартап фаолияти иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келтиришга, ўзгартиришга ҳамда бекор қилишга қаратилган шартномалар ҳисобланади.

Стартап фаолиятида қўлланиладиган шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар моҳиятан ва тузилиш жиҳатдан инновация шартномалари билан ўхшаш саналгани боис стартаплар фаолиятининг аксарият муносабатлари инновация шартномалари асосида ҳам тартибга солинади. Таъкидлаш жоизки, инновация шартномаларининг асосий негизини фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар тизими ташкил этади.

А.Эргашевнинг фикрича, инновацион фаолиятни тартибга соладиган ягона қонунчилик нормалари мавжуд бўлмаган шароитда шартноманинг қўлланилиши:


–инновацион фаолият субъектларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

–илмий ва илмий-техникавий маҳсулотларни яратишга ҳуқуқий шароит ҳозирлаш бўйича имкониятлар яратади [1].

У.Сулаймонов эса инновацион ҳуқуқий муносабатлар бир қатор шартномалар асосида вужудга келиши: таянч ва амалий тадқиқотлар ўтказишга қаратилган ҳуқуқий муносабатларни яратувчи шартномалар; янги маҳсулот намуналари ва уларнинг конструкторлик ҳужжатларига доир контрактлар; пудрат ва олди-сотди шартномаларини эътироф этади [2].

А.Ахмедов назарида инновацион шартномаларда интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказишга хизмат кўрсатувчи шартномалар тизими бир қатор омиллар билан белгиланадиган ички табақаланиш орқали тавсифланишини таъкидлаб, улар жумласига *ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш асоси; объектнинг таркибий тузилиши; томонларга қўйиладиган талаблар хусусияти; муқобил тўловнинг мавжудлиги; шаклнинг муайянлиги* каби белгиларни санаб ўтади [3].

Стартапнинг ривожланиш босқичлари



Инновацион фаолиятга оид турли шартномалар стартап фаолиятига оид шартномалар сингари инновацион жараённинг барча босқичларини қамраб олади: дастлабки ғоядан бошлаб аниқ, якуний маҳсулотгача. Ваҳоланки,

стартаплар фаолияти натижасида ҳосил бўлган товар, иш ва хизматлар реализацияси билан боғлиқ ҳолатлар, стартап фаолиятини кенгайтириш, страадаги улушларини сотиш сингари муносабатлар ҳам табиийки, шартномалар асосида тартига солинади. Демак, стартаплар фаолиятида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солувчи шартномалар иккита умумий кўринишда, яъни интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказишга хизмат кўрсатувчи шартномалар ва венчур битим (корпоратив шартномалар) орқали қўлланилиши мумкин.

МАТЕРИАЛ ВА МЕТОДЛАР

Стартаплар фаолияти ривожланиш жараёнида махсус субъектлар қантнашадиган ҳар бир босқичда соҳага оид шартномалар қўлланилади. Таъкидлашимиз жоизки, уруғ қадаш ёки эрта стартап ва жараённи бошлаш босқичидада хусусан, бозорга чиқишдан олдин маҳсулотнинг “пилот” наъмунасини яратиш ва тайёр маҳсулотни тижоратлаштириш учун реализация қилиш намоён бўлади. Ушбу босқичда *стартап акселератор, бизнес инкубатор, бизнес ангеллар, “уруғлаш” инвесторлари (seed investors), “уруғлаш” фондлари, венчур фондлар, давлат фондлари ва грантларлар* иштирокига мутонасиб равишда мутлоқ ва мулкӣ ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ шартномалар қўлланилади. Чунончи, стартапларни молиялаштириш эвазига *“уруғлаш” инвесторлари (seed investors), “уруғлаш” фондлари бизнес ангеллар, венчур фондлар, буюртмачи – инвестор* статусида бўлган ҳолда саноат мулки наъмуналарини яратиш бўйича илмӣ-текшириш, тажриба конструкторлик ва технология ишлари пудрати шартномасини (ИТТКТП), лицензия шартномаларини қўллаши мумкин.

Акселераторлар ва инкубаторлар билан тузиладиган шартномалар ҳам стартаплар билан боғлиқ жараёнларда акс этади. Одатда акселераторлар стартап компанияларга молиявий ва иқтисодӣ, консалтинг, тарбиявий, юридик, ташкилий, маркетинг сингари масалаларда менторлик (мураббийлик) хизматларини кўрсатади. Бунда одатда Фуқаролик кодексининг 38-боби (703-708-моддалар), яъни ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси хизматлари қоидалари қўлланилади. Қолаверса, мазкур соҳадаги муносабат турларини ҳуқуқӣ тартибга солишга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоӣ ҳимояси тўғрисида”ги, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги, “Алоқа тўғрисида”ги, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳам стартап фаолияти

хизмати кўрсатиш хизмат кўрсатиш шартномасига нисбатан қўлланилиши назарда тутилган [4].

Таъкидлаш лозимки, консалтинг, тарбиявий, юридик, ташкилий, маркетинг хизматларини кўрсатиш шартномаси бўйича акселератор стартапнинг топшириғи билан ашёвий шаклда бўлмаган хизмат бажариш (муайян ҳаракатларни қилиш ёки муайян фаолиятини амалга ошириш), стартап компания эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Стартап фаолияти хизмати кўрсатиш шартномаларининг бошқа шартномалардан бир пайтнинг ўзида консессуал, ҳақ эвазига ҳамда ижрочи (акселератор, инкубатор) ва буюртмачи (стартап компания ёки эгаси)да ҳуқуқ ва мажбуриятлар мавжудлиги сингари асосий белгилари билан ажралиб туради. Стартап фаолияти хизмати кўрсатиш шартномасининг предметини эса ашёвий шаклда бўлмаган хизматлар ташкил этади.

Стартап фаолияти хизмати кўрсатиш шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шартнома мажбуриятларининг бажармаганлик учун жавобгарлик чоралари ва шартноманинг бекор бўлиш асослари умумий таритибга ФКнинг ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари қоидалари ва махсус қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Фикримизча, стартап фаолияти хизмати кўрсатиш шартномаларини расмийлаштириш ҳолатлари салмоғи мамлакатимизда стартап фаолияти субъектларининг кўпайишига муноносиб равишда ошиб бориши башорат қилинади. Оқибатда эса ушбу муносабатни ФК ва махсус қонун ҳужжатлари умумий қоидалари билан тартибга солиш билан кафолатланмасдан, “Стартаплар фаолияти тўғрисида”ги қонунчиликка шартноманинг умумий қоидалари ва қўлланиш механизмлари ҳақида умумий тушунчалар акс эттириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 июндаги “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 589-сон қарорида стартап-лойиҳаларни молиялаштириш Жамғарма томонидан пул маблағларини бегараз ажратиш йўли билан амалга оширилиши қайд этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги “Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 133-сонли қарорида стартап лойиҳаларни молиялаштириш буюртмачи, талабнома берувчи (талабгор) ва Жамғарма ўртасида тузиладиган шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади, деб белгиланган. Фикримизча, ушбу ҳолатарда уруғ қадаш

ёки эрта стартап босқичи (seed, or early startup stage) ва жараёни бoшлaш бoсқичи (startup stage)да ФК 502-511-мoддaлaри қoидaлaри билaн тaртибгa сoлинaдигaн ҳaдy шaртнoмaси кoнcтрукциялaри қўллaнилaди. Зeрo, ҳaдy шaртнoмaсигa мyвoфиқ бир тaрaф (Жaмғaрмa) бoшқa тaрaф (cтaртaп эгaси ёки кoмпaния)гa aшёни тeкингa мyлк қилиб бeрaди ёки бeриш мaжбyрийaтини oлaди (ФК 502-мoддa).

Вaҳoлaнки, cтaртaплaрни гpaнтлaр aсocидa қўмaклaшиш дacтyрлaригa нисбaтaн oммaвий тaнлoвлaрни ўткaзиш қoидaлaри ҳaм тaдбиқ этилиши мyмкин. Чyнoнчи, ишни энг яхши бaжaргaнлик ёки бoшқa нaтижaлaргa эришгaнлик yчyн пyл мyкoфoти тўлaш ёки бoшқa мyкoфoт бeриш тўғрисидa (мyкoфoт тўлaш тўғрисидa) oшкoрa (oммaвий тaнлoв) эълoн қилгaн шaхc тaнлoвни ўткaзиш шaртлaригa мyвoфиқ yнинг ғoлиби дeб тoпилгaн кимcагa шaртлaшилгaн мyкoфoтни тўлaши лoзим (ФК 976-мoддa).

Дeмaк, мaзкyр cтaртaп бoсқичидa дaвлaт фoндлaри вa мaхсyс гpaнтлaр aсocидa cтaртaплaргa қўмaклaшиш yчyн aжрaтмaлaр қaйcи шaртнoмaвий кoнcтрукцияcи oрқaли aмaлгa oшириши мyҳим ҳисoблaнaди.

Шyни aйтиш жoизки, жaҳoн тaжрибaси кўрсaткичи бўйичa тўғридaн-тўғри инвeстициялaш фoнди вa бaнк кpeдитлaри, кpaфyдфaндинг инвeстoрлaр тoмoнидaн ўcиш бoсқичи (growth stage) вa кeнгaйиш бoсқичи (expansion stage)дaги шaртнoмaлaр aмaлиётдa кeнг қўллaнилиб кeлинмoқдa. Ушбy бoсқичдa aсocaн тижoрaт бaнклaри, кoрпoрaтив вa кpaудфaндинг инвeстoрлaр oрқaли cтaртaп кoмпaниялaрни мoлиялaштириш фoиз эвaзигa тyзилaдигaн қapз, кpeдит шaртнoмaлaри вa oлди-сoтди шaртнoмaлaри aсocидa aмaлгa oширилaди.

Ўзбeкиcтoн Рeспyбликacининг 2019 йил 25 дeкaбрдaги “Инвeстициялaр вa инвeстиция фaолияти тўғрисидa”ги қoнyнининг 6-мoддacигa мyвoфиқ инвeстoрлaр тoмoнидaн қуйидaги шaкллaр oрқaли cтaртaп кoмпaниялaр билaн шaртнoмa тyзишлaри бeлгилaнгaн:

–yридик шaхcлaрни тaшкил этиш ёки yлaрнинг ycтaв фoндлaридa (ycтaв кaпитaллaридa) yлушли тaрздa, шy жyмлaдaн мoл-мyлк вa aкциялaр (yлушлaр) cотиб oлиш йўли билaн иштиpoк этиш;

–Ўзбeкиcтoн Рeспyбликacи рeзидeнтлaри тoмoнидaн эмиссия қилингaн қиммaтли қoғoзлaрни, жyмлaдaн қapз мaжбyрийaтлaрини oлиш;

–мyлк ҳyкyқини, шy жyмлaдaн интeллeктуaл мyлк oбъeктлaригa бўлгaн мyлк ҳyкyқини, мyaллифлик ҳyкyқлaрини, пaтeнтлaр, тoвaр бeлгилaри, фoйдaли мoдeллaр, caнoaт нaмyнaлaри, фирмa нoмлaри вa нoу-хaу, ишчaнлик oбрўcини (гyдвиллни), шyнингдeк caвдo вa хизмaт кўрсaтиш coxacи oбъeктлaригa бўлгaн

мулк ҳуқуқини улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда олиш тарзидаги инвестиция шартномаларини тузишади [5].

Чет эллик инвесторнинг ҳукумат кафолатларисиз, таваккалчилик шароитларида ўз маблағлари ёки қарз маблағлари ҳисобидан инвестициялари шаклланган инвестиция фондлари стартаплар билан *инвестиция шартномаларни* тузишади. Ушбу шартнома эса инвестиция фаолияти субъектлари ўртасида тузиладиган, инвестиция шартномаси тарафларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайдиган ёзма битим сифатида тан олинади. Шартноманинг предмети стартап компанияларнинг устав фондлари (устав капиталлари)даги мол-мулк ва акциялар (улушлар) сотиб олиш, стартап компанияси томонидан эмиссия қилинган қимматли қоғозларни олиш ва стартапларнинг интеллектуал мулк объектларига бўлган мулк ҳуқуқини олиш кабилар ташкил қилиши белгиланиши мумкин. Мазкур ҳолатларда стартап компаниянинг устав фондидаги улушлар ва қимматли қоғозларга нисбатан *олди-сотди тўғрисидаги умумий қоидалар (ФК 29-боби)* қўлланилса, стартапларнинг интеллектуал мулк объектларига бўлган мутлақ ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисидаги инвестиция қоидалари *лицензия шартномаси (ФК 1036-модда)* асосида амалга оширилади.

Ҳар иккала ҳолатда ҳам шартномани рўйхатдан ўтказиш ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади. Демак, тўғридан-тўғри инвестициялаш фонди томонидан стартап компанияларга инвестиция киритиш нафақат фуқаролик ва инвестиция тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан, балки турли соҳа норматив ҳужжатларини асосида тартибга солишни такомиллаштириш зарур.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

2020 йилга келиб дунё бўйича крафудинвестинг шартномалари қиймати салкам 6 млрд АҚШ долларига етган бўлса, молиячилар томонидан ушбу кўрсаткич 2023 йилгача 8 млрд АҚШ доллари етиши мумкинлигини прогноз қилмоқда [6]. Мазкур ҳисобот шундан далолатки, стартапларни краудфандинг инвесторлар томонидан махсус платформа орқали молиялаштириш шартномалари салмоғи йилдан-йилга ортиб бораётганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Мамлакатимизда стартап компанияларни краудфандинг инвесторлар томонидан инвестициялашни тартибга солувчи қонунчилик базаси ва инфратизим ишлаб чиқилмаганлиги боис мазкур турдаги шартномаларни қўллаш амалиётда мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сон қарорига мувофиқ

мамлакатимизда венчур молиялашни кенгайтириш мақсадида опцион шартнома, краудфандинг (оммавий молиялаш) шартнома сингари шартномалар бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилган.

Краудфандинг шартномаси инвестиция шартномаси ва ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг гибрид кўриниши сифатида баҳоланиши лозим. Шартнома билан краудфандинг учун зарур бўлган инвестицион платформа оператори, краудфандинг инвестиция жалб қилувчи стартап ва инвесторларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шартномани тузиш шартлари, шартнома муддатлари, шартномани расмийлаштириш, шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик каби жиҳатлари қайд этилиши лозим. Краудфандинг инвестиция шартномаси орқали инвестор ўзининг пул маблағлари ҳисобига стартап компания устав фондидаги қимматли қоғозлар, улушлар, интеллектуал мулк ҳуқуқи натижаларига бўлган ҳуқуқ ёки Россия қонунчилигида келтирилган утилитар рақамли ҳуқуққа эгалик қилишни [7] олиши мумкин.

Краудфандинг шартномасига кўра инвестор қимматли қоғоз, улуш ёки рақамли ҳуқуққа эгалик қилиш мақсадида махсус платформа оператори ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш мажбуриятини олади, оператор эса тегишли маблағ эвазига инвестиция жалб қилган юридик шахсга қарашли бўлган қимматли қоғоз, улуш ёки рақамли ҳуқуқни инвестор номига ўтказиш ва расмийлаштириш мажбуриятини олади.

Краудфандинг шартномаси ёзма шаклда тузилади ва ваколатли давлат органи томонидан рўйхатга олинади.

Дунё тажрибасидан шуниси маълумки, стартап компаниялар МЖЧ ёки АЖ ташкилий-ҳуқуқий шаклда фаолият юритади. АЖ шаклидаги стартаплар қимматли қоғозлар чиқариши ҳуқуқи бўлганлиги боис инвестиция жалб қилиш нисбатан осонроқ кечади. Ваҳоланки, МЧЖ шаклидаги стартаплар эса қимматли қоғозлар чиқариш ваколатига эга эмас. Ушбу вазиятда, краудфандинг инвесторлар томонидан МЧЖ шаклида стартапларга инвестиция киритиш унинг устав капиталидаги улушларга эшалик қилиш билангина чекланиб қолади. Краудфарнинг инвестициялаш бўйича АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия тажрибаларини инобатга олган ҳолада МЧЖ шаклидаги юридик шахсларга ўзларининг устав фондидаги мулкларига мутаносиб равишда облигация кўринишидаги қимматли қоғозлар чиқариш ҳуқуқларини киритиш мақсадга мувофиқ. Бунда “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги (2001) қонунининг 3-моддаси учунчи қисмига

қуйидаги қўшимча киритиш ҳамда шу орқали барча қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мақсадга мувофиқ:

Жамият қонун ҳужжатларига ва ўз уставига мувофиқ корпоратив облигацияларни чиқаришига ҳамда жойлаштиришига ҳақли.

Шуниси аёнки, келажакда краудфандинг шартномаси қоидалари нафақат фуқаролик ва бошқа шу соҳадаги қонунчиликларда акс этишини, балки ушбу соҳада махсус қонун ҳужжатлари ишлаб чиқишни ҳам тақозо этади.

Стартаплар фаолиятида шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг сифат жиҳатдан янги механизмларини жорий қилиш, шу жумладан шартнома турларини оптималлаштириш, дастлабки шартнома институтини ривожлантириш, шартнома тузиш эркинлигини кенгайтириш, шартномавий муносабатларнинг барқарорлигини таъминлашда опцион ва опцион шартномалари институтлари асосий қоидаларини пухта ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Шу муносабат билан ва дастлабки шартнома институтини ривожлантиришда шартнома тузишнинг иккита янги модели – стартаплар учун опцион ва опцион шартномаси каби терминларга тушунча ишлаб чиқиш лозим.

Опцион деганда бир тараф (стартап)нинг бошқа тараф (опционни сақловчи)га олдиндан келишилган тартиб, муддат ва шартлар асосида келгусида шартномани тузиш учун қайтариб бўлмайдиган офертани тақдим этиш эвазига бошқа тараф (опционни сақловчи)нинг келажакда шартнома тузиш ҳуқуқи тушинилса, опцион шартномаси — бир тараф (опционни сақловчи)нинг бошқа тараф (стартап)дан ҳақ эвазига опцион шартномасида белгиланган ҳаракатларни (шу жумладан мол-мулкни топшириш ёки қабул қилиш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо) бажаришни талаб қилади, бошқа тараф (стартап) эса шартномада белгиланган ҳаракатларини бажариш мажбуриятини олади.

Опцион ва опцион шартномалари стартаплар фаолиятининг ҳар қандай босқичларида амалга оширилиши мумкин. Лекин моҳиятан олиб қараганда, фаолияти давомида инвестиция муҳтож бўлган стартаплар асосан инвесторлар билан опцион шартларини белгилаган ҳолда шартномавий муносабатларга киришишига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Инвестор, яъни опционни сақловчи стартап олдида қонун билан таъқиқланмаган ҳар қандай мажбуриятни бажаришни талаб қилиши мумкин. Хорижий давлатларда стартаплар билан опцион шартномасини расмийлаштирган инвесторлар келажакда қуйидаги асосий ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин:

1. қарзни фоизлари билан қабул қилиш;

2. қимматли қоғозларга эгалик қилиш;
3. утилитар рақамли ҳуқуққа эгалик қилиш.

Тижорат банклари томонидан стартап компанияларига кредитлар ажратиш одатда уларнинг ривожланишининг сўнги босқичларига тўғри келади. Зеро банклар ҳали ғоя, лойиҳа кўринишида бўлиб, маҳсулот шаклига эга бўлмаган ва релизация қилинмаган, ликвидлик юқори бўлмаган стартапларга таваккал қилиб пул киритмайди. Ушбу босқичда эса стартап компания ўзи ҳақида бозорда қатъий ишчанлик обрўсини (гудвилл) ҳосил қилган, ликвидлик нормал ҳолатларда акс этган кўринишда бўлади.

Тижорат банклари томонидан стартап компанияларга кредитлар бериш жараёни тўлиқ фуқаролик қонунчилиги билан тартибга солинадиган *кредит шартномаларини* тузишади. Чунончи, ФКнинг 744-моддаси қоидалари асосида тижорат банки стартап компанияга шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, стартап компания эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади. Тижорат банки ва стартап компания ўртасида тузиалдиган кредит шартномаси қоида тариқасида ёзма шаклда тузилиши шарт. Таъкидлаш жоизки, кредит шартномасидаги мажбуриятлар таъминоти сифатида тижорат банклари стартап компаниядан кафиллик шартномаси (ФК 292-моддаси) ва гаров шартномалари (ФК 264-289 моддалари) тузишларини талаб этилиши мумкин.

Стартап фойиати кредит шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шартнома мажбуриятларининг бажармаганлик учун жавобгарлик чоралари ва шартноманинг бекор бўлиш асослари умумий тартибга ФКнинг кредит, қарз шартномалари қоидалари ва махсус қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

2020 йил 27 апрелда Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан “*Стартаплар тўғрисида*”ги қонуни лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали – regulation.gov.uzга жойлаштирилди [8]. Қонун лойиҳаси асосий мақсади стартапларни ташкил этиш ва ривожлантириш соҳасидаги муносабатларни, шунингдек, рағбатлантириш механизмлари ва ўз фаолиятида инновацион ғоялардан фойдаланишни тартибга солишдан иборат.

Қонун лойиҳасида стартапларни ташкил этиш ва ривожлантириш соҳасидаги муносабатларга доир нормаларнинг етарли эмаслиги стартапларни давлат рўйхатидан ўтказиш, стартапларни инвестициялаш эвазига қўлланиладиган оммавий молиялаш (краудфандинг) ва опцион шартномалари тушунчаси ва тузиш тартиби, стартапларда таваккалчиликни баҳолаш ва уни

камайтириш чоралари каби масалалар қонун лойиҳасидан ўрин эгалламаганлиги билан белгиланади. Таваккалчиликни бошқариш, уни тақсимлаш ва минималлаштириш каби механизмларнинг ўрнатилганлиги, шунингдек, венчур ва оммавий молиялаш (краудфандинг) учун ташкилий платформаларнинг мавжудлиги нафақат инвестицияларни жалб қилиш орқали кенгайтириладиган бизнес моделини излайдиган стартаплар, балки инвесторлар учун ҳам жуда долзарб. Ушбу масалалар бўйича қонун лойиҳасида махсус қоидалар акс этилмаганлиги ва бу борасида самарали механизмнинг мавжуд эмаслиги стартап-экотизими иштирокчилари томонидан стартап-лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисида қарорлар қабул қилишда салбий таъсир қилади. Оқибатда эса ўзбек стартапларининг глобал бозорга чиқиш имкониятлари сезиларли даражада пасайиб кетади.

ХУЛОСА

Юқоридагиларга хулоса сифатида стартапларни ташкил этиш ва ривожлантириш муносабатларини такомиллаштириш мақсадида қуйидагиларни назарда тутувчи таклифлар ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ:

биринчидан, “Стартаплар тўғрисида”ги қонун лойиҳасига краудфандинг шартнома, опцион ва опцион шартнома каби тушунчаларни киритиш зарур.

иккинчидан, стартаплар инвестицияларни талаб қиладиган кенгайтириладиган бизнес моделини излаш ва амалга ошириш учун хўжалик жамиятлари (асосан МЧЖ) шаклидаги тузилмалар сифатида фаолият олиб боради. Ушбу вазиятда стартаплар фаолиятини такомиллаштириш ва унга инвестицияни жадал жалб қилиш, краудфандинг ва опцион шартномаларини тузиш амалиётини йўлга қўйиш мақсадида МЧЖ шаклидаги юридик шахсларга облигация қўринишидаги қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш ҳуқуқини тақдим қилиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур таклифларнинг ҳаётга татбиқ этилиши бугунги кунда олиб борилаётган ислохотларда стартапларни самарали ташкил этиш ва ривожлантиришга, стартап-экотизими иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфатлари ҳимоя қилинишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Ўзбекистонда инновация фаолиятининг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши: монография / И.Рустамбеков ва бошқ. – Тошкент: Spectrum Media Group, 2015. – Б. 50-54.
2. Сулаймонов У. Инновацион шартномаларнинг ўзига хос хусусиятлари // Ўзбекистон Республикасида инновация фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга

солиш муаммолари илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ТДЮУ, 2015. – Б. 55.

3. Ахмедов А. Инновацион фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш. Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати. -Тошкент:. 2017.

4. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. II қисм. Масъул муҳаррир:И.Зокиров, Ф.Отохонов. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 920 бет.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.12.2019 й., 03/19/598/4221-сон

6. <https://www.statista.com/outlook/377/100/crowdinvesting/worldwide>

7. <http://www.garant.ru/news/1286637/>

8. <https://regulation.gov.uz/uz/document/17135>